

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc. 02/30.12.2019. Tar.56.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

ШОҲИДА ҲАЙДАРОВНА ДАВУРОВА

**БУХОРО АМИРЛИГИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ
ТАРИХИ (1756–1868 йиллар)**

07.00.01. – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент, 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефератининг мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Шохида Хайдаровна Давурова

Бухоро амирлиги савдо муносабатлари
тарихи (1756–1868йиллар) 3

Шахида Хайдаровна Давурова

История торговых отношений
Бухарского эмирата (1756–1868 гг.) 25

Shakhida Khaydarovna Davurova

History of trade relations of
Emirate of Bukhara (1756–1868) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc. 02/30.12.2019. Tar.56.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

ШОҲИДА ҲАЙДАРОВНА ДАВУРОВА

**БУХОРО АМИРЛИГИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ
ТАРИХИ (1756–1868 йиллар)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент, 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.PhD/Tar188-рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилди.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fati.uz) ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Мухайё Сраждиновна Исакова
тарих фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: Азимхўжа Музаффарович Отахўжаев
тарих фанлари доктори
Жаҳонгир Юнус ўгли Эргашев
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражаларни берувчи DSc 02/30.12.2019. Tar.56.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2023 йил "24" февраль соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй, Фанлар академияси асосий биноси, 110-хона. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91, e-mail: info@fati.uz.

Диссертация билан Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (12 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси 13-уй). Тел.: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2023 йил "6" 02 кuni тарқатилди.

(2023 йил "6" 02 даги 4 рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

Азамат Зиё

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

[Handwritten signature]

Х.С. Жуманазаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

[Handwritten signature]

Н.А. Аллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, катта илмий хордим.

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусинирблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг асосий йўналишларидан бири бўлган халқаро ва минтақавий савдо давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш билан бирга, уларнинг ривожланишига ҳам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда турли мамлакатлар билан амалга ошириладиган савдо алоқаларини янада мустаҳкамлашда дунё бозорининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, тижорат кўламини ошириб бориш, мавжуд муаммоларни бартараф қилиш бевосита тарихий илдизларни ёритиш билан ҳам узвий боғлиқдир.

Дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказларида Бухоро амирлиги тарихини бирламчи манбалар асосида ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, амирлик иқтисодиётининг асосини ташкил этган шарқ бозорлари хусусиятини тушуниш, моҳиятини англаш мақсадида ички ва ташқи савдо айланмаси кўрсаткичлари, бозорлардаги маҳсулот турлари, рус, ҳинд ва яҳудий савдогарларининг фаолияти, пул айирбошлаш ҳамда карвон йўллари тарихи тадқиқ қилинмоқда. Шунга қарамасдан, манғит ҳукмдорларининг иқтисодий сиёсати, бозорлар ва уларнинг иш тартиби, ҳунармандчилик ва савдо марказлари, савдо кўлами, ички ва ташқи тижорат йўллари, савдогарларнинг ижтимоий таркиби ва фаолияти, аҳоли ҳаётида савдо муносабатларининг тутган ўрни тизимли ёритиб берилмаган.

Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи ҳамда бой маданиятини кенг камровли манбалар асосида ўрганиш асосида уни ҳаққоний тадқиқ этиш, шаҳарларда нафақат маҳаллий, балки халқаро туризмнинг раванқ топишини таъминлаш, жаҳон ҳамжамиятини мамлакатимизнинг бой савдо-иқтисодий имкониятлари ва маънавий мероси билан яқиндан таништириш масалаларига давлат

сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилмоқда¹. Шу жиҳатдан, 1756–1868 йилларда манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида савдо муносабатларини тизимли ёритиб бериш давлатлараро ўрнатилаётган замонавий ташқи алоқалар тамойиллари ва асосий йўналишларини тарихий тажрибани инобатга олган ҳолда белгилашда муҳим аҳамият қасб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “2017–2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПКҚ-2980-сон, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 октябрдаги “Қадимий Бухоро” туризм зонасини куриш” лойиҳасини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 825-сон ҳамда 2022 йил 27 апрелдаги “2022–2026 йилларда Бухоро вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 215-сон қарорлари, шунингдек, ушбу соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. 1756–1868 йилларда Бухоро амирлиги савдо муносабатлари тарихига оид тадқиқотларни концептуал-услубий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда, даврий ва муаммовий тамойиллар асосида қуйидаги тартибда гуруҳлаш мумкин: 1) мустамлака даври нашрлари; 2) совет давридаги илмий изланишлар; 3) мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотлар; 4) хорижий тадқиқотчиларнинг изланишлари.

Мустамлака даври нашрларида манғитлар даврида Бухоро ижтимоий-иқтисодий ҳаётида савдо муносабатларининг тутган ўрни, ички ҳамда ташқи бозорлар, уларнинг ишлаш тартиби, йўллар, карвонсаройлар, дўконлар ҳамда йирик савдо марказларига оид қизиқарли маълумотларни ёзиб қолдирган бўлса², совет даврига оид тадқиқотларда³ амирликнинг иқтисодий ҳаёти,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 12 январдаги Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишдаги нутқи // <https://uza.uz/uz>.

² Кун А.Л. Бухарские порядки. Заметки о порядке взимания подземельных податей // Туркестанские ведомости. 1873. – № 32. – С. 22; Гребенкин А.Д. Родословная Мангитской династии / Ежегодник под ред. Вып. III. – СПб., 1874; Веселовский Н. Мангитская династия, ныне царствующая в Бухаре // Туркестанские ведомости. 1878. – № 28. – С. 272; Клемь В. Современное состояние торговли в Бухарском ханстве /

бозорлар ва карвонсаройлар фаолияти, шаҳарлар ривожланишида ҳунармандчиликнинг тугган ўрни, савдо расталари ва савдогарлардан олинган солиқлар ҳамда халқаро алоқаларга доир таҳлилий маълумотлар келтирилган. Бироқ ушбу тадқиқотларда Бухоро амирлигида ички бозорларнинг ташкил этилиши, бозор турлари, тим ва тоқлар, дўконлар, савдо расталари ва карвонсаройлар фаолияти, карвон йўлларининг ташқи савдо алоқаларини ривожлантиришдаги ўрни, савдогарларнинг ижтимоий таркиби, ички, ташқи ва транзит савдо турлари масалалари яхлит ўрганилмаган.

Мустақиллик йилларида маҳаллий манбалар ва янги концептуал ёндашувларга асосланган тадқиқотлар шаклланди. Тарихчи-олимлар Б.А. Аҳмедов, Р.Г. Мукминова, Ҳ. Зиёев, Ш.Ҳ. Воҳидов, Д.В. Валиева, Г.А. Агзамова, Х.Ғ. Ғуломов ва Р.Р. Алимовалар⁴ ўз ишларида манғитлар сулоласининг давлат бошқаруви сиёсати, ташқи дипломатик ва савдо-иқтисодий алоқалари ҳолатини батафсил баён этганлар.

Шунингдек, ушбу даврда Д.Х. Раззоқов, Р.Э. Қиличев, Б.И. Исмаилова, Г.А. Агзамова, Р.Э. Холиқова, Н.А. Аллаева, Д.Ш. Атаджанова, Ж.М. Шодиев, З.Ш. Мадраҳимов, И.Ш. Азизов, Ж.Ю. Эргашев ва Ш.С. Шодиеваларнинг⁵ изланишларида кенг камровли манбалар илмий

Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып. 33. – СПб., 1888. – С. 1-7; Вяткин В.Л. Бухарский книжный рынок // Туркестанские ведомости. 1897. – № 61, 64.

³ Семенов А.А. К истории Бухарских мангитов // Бюллетень. САГУ. 1924. – №6. – С. 14; Чабров Н. Г. Новую источник по истории Бухарского ханства // Бюллетень. АН Уз ССР. – Ташкент, 1947. – № 3. – С. 332; Муҳаммаджонов А.Р., Неъматов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. – Тошкент, 1957. – 224 б.; Йўлдошев М.Ю. XVII–XVIII асрларда Бухоро-Россия элчилик муносабатлари. – Тошкент, 1957–215 б.; Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1958. – 147 с.; Муминов И.М. История Бухары с древнейших времён до наших дней. – Ташкент: Фан, 1976. – 381 с.; Михалева Г.А. Торговые и посольские связи России со среднеазиатскими ханствами через Оренбург (вторая половина XVIII – первая половина XIX вв.). – Ташкент: Фан, 1982. – 92 с.

⁴ Аҳмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI–XVIII вв. (писменные памятники). – Ташкент: Фан, 1985. – 220 с.; Мукминова Р.Г. Ўзбекистон тарихи (XVI–XIX асрнинг биринчи ярми) – Тошкент: Фан, 1994. – 491 б.; Зиёев Ҳ. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатлари тарихи (XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX аср). I жилд. – Тошкент: Таълим нашриёти, 2014. – 470 б.; Воҳидов Ш.Ҳ. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. – Тошкент, 1996. – 150 б.; Валиева Д.В. XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро-Эрон дипломатик алоқалари тарихидан. // Шарқшунослик, 1999. – № 2. – Б.132-140.; Агзамова Г.А. Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти (XVI – XIX асрнинг биринчи ярми). – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2017. – 225 б.; Гулямов Х.Г. Дипломатические отношения; государств в Средней Азии с Россией в XVIII первой половине XIX века. – Ташкент: Фан, 2005. – 334 с.; Алимова Р.Р. Ўрта Осиё хонликларининг қўшни давлатлар билан дипломатик ва савдо-иқтисодий муносабатлари. – Тошкент, 2017. – 148 б.

⁵ Раззоқов Д.Х. Бухоро хонлигининг ташқи савдо алоқалари (XIX асрнинг 60-90 йиллари): Тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1994. – 190 б.; Қиличев Р.Э. XIX асрнинг II ярми – XX аср бошларида Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик: Тарих фан. номз. ... дисс. – Бухоро, 1997. – 169 б.; Исмаилова Б.И. Политическая история Бухарского эмирата при эмира Хайдаре (1800–1826): Дис. канд. ... ист. наук. – Душанбе, 1999. – 185 с.; Агзамова Г.А. Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти (XVI – XIX асрнинг биринчи ярми): Тарих фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2000. – 226 б.; Холиқова Р.Э. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия-Бухоро муносабатлари тарихи: Тарих фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 31 б.; Аллаева Н.А. XVI – XIX асрнинг 70 йилларида Хива хонлиги ташқи савдо алоқалари тарихи: Тарих фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 81 б.; Атаджанова Д.Ш. Историография ремесленного производства Бухарского ханства XIX веке: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2008. – 30 с.; Шодиев Ж.М. Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва давлат тузуми: Тарих фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 25 б.; Мадраҳимов З.Ш. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари: Тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2009. – 160 б.; Азизов И.Ш. XIX асрнинг сўнгги чораги – XX аср бошида Бухоро амирлиги солиқ тизими: Тарих фан. бўй. фалс. док. ... дисс. – Тошкент, 2018. – 177 б.; Эргашев Ж. Ю. Бухоро хонлиги карвон йўлларида хизмат кўрсатиш

муомалага киритилиб, амирликнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида савдо алоқалари, ҳунармандчилик, элчилар ва уларнинг давлатлараро савдо муносабатларини ўрнатишдаги ўрни, савдодан олинган солиқ ва бож масалалари, карвон йўллари, халқаро алоқалари очиқ берилган.

Хорижий тадқиқотчилар Питер Хопкирк⁶, Анке фон Кьютельген⁷ Бухоро амирлигида бошқарув ва унинг қонунийлик масалалари, ташқи сиёсатдаги амирликнинг тутган ўрнини тадқиқ этган. Скот Ливай⁸ эса ўз изланишларида манғитлар сулоласи даврида халқаро савдо ва тижорат ишларининг сусайиши, мамлакатдаги иқтисодий ҳамда маънавий инқироз сабабларини таҳлил этиш билан бирга, Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Бобурийлар сулоласининг Бухоро амирлиги билан олиб борган ташқи сиёсати ва ҳинд савдогарларининг фаолиятини баҳолашга алоҳида эътибор қаратган.

Бухоро амирлиги иқтисодий ҳаёти тарихига оид маълумотлар тожикистонлик Маҳди Жаъфаризода⁹ ва Ракаванди Ҳошимий¹⁰ ишларида ҳам ёритилган. Улар Бухоро-Эрон савдо-иқтисодий алоқалар ривожланишининг асосий йўналишлари ва хусусиятларига оид маълумотларни таҳлил этган.

Мавзунинг тарихшунослик таҳлили Бухоро амирлигининг савдо алоқалари, карвон йўллари, карвонсаройлар фаолияти, бозорлари илмий муомалага киритилиб, амирликнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида савдо алоқаларининг ўрни, ҳунармандчилик, элчилар ва савдогарларнинг ижтимоий таркиби масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида яхлит равишда ўрганилмаганини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтининг илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ 2019–2020 йилларда амалга оширилган “Ўзбекистоннинг ўрта асрлар тарихи расмий ҳужжатларда: муаммоли жиҳатлар, талқин ва таҳлил (VII–XIX аср биринчи ярми)” мавзусидаги ПЗ-20170928402-рақамли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1756–1868 йилларда Бухоро амирлигининг савдо муносабатлари тарихини ёритишдан иборат.

тизими (XVI–XVIII аср ўрталари): Тарих фан. бўй. фалс. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2022. – 55 б; Шодиева Ш.С. Бухоро амирлигининг Усманийлар империяси билан ўзаро муносабатлари тарихи (XIX аср иккинчи ярми – XX асрнинг бошлари): Тарих фан. бўй. фалс. док. ... автореф. – Тошкент, 2022. – 54 б.

⁶ Hopkirk P. The Great Game. The struggle for empire in Central Asia. Kodansha international. – New York, Tokyo-London, 1992. – 564 p.

⁷ Анке фон Кьютельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков. (XVIII–XIX). – Алма-Ата, 2004. – 470 с.

⁸ Levi S. The Bukharan crisis: A connected history of 18 the century Central Asia / University of Pittsburg Press. 2020. – 199 p; The Indian Diaspora in Central Asia and its trade, 1550-1900. – Leiden; Boston; Köln: Brill, 2001. – 333 p.

⁹ Джафаризаде М. Дипломатические и торгово-экономические взаимоотношения среднеазиатских ханств с Ираном XIX в. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Душанбе, 2012. – С. 13.

¹⁰ Хашеми Ракаванди Сейед Исмаил. Отношения Ирана с ханствами Мавераннахра XVIII – начале XX века: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Душанбе, 2018. – С. 12.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1756–1868 йилларда манғит ҳукмдорлари амалга оширган иқтисодий сиёсатининг савдо иши, хусусан, бозорлар фаолиятига таъсирини ўрганиш;

амирликдаги йирик савдо-иқтисодий ва ҳунармандчилик марказларининг ички ҳамда ташқи савдо алоқаларини ривожлантиришдаги ўрнини кўрсатиб бериш;

амирликнинг савдо муносабатларида иштирок этган шахслар ва йирик тужжорларнинг фаолиятини ёритиш;

Бухоро амирлигидаги ички ва ташқи савдо йўллари ҳамда карвонсаройлар фаолиятини тадқиқ этиш;

Бухоро амирлигининг Хива ва Қўқон хонликлари ҳамда Қозоқ жузлари билан савдо-сотик алоқаларини очиб бериш;

амирликнинг Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистон билан ташқи савдо алоқаларини мазкур давлатлар ҳудудида кечган сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда таҳлил этиш;

Бухоро амирлигининг Россия империяси билан олиб борган ташқи савдо алоқаларини ёритиб бериш;

олиб борган изланишлар асосида назарий хулосалар, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1756–1868 йилларда Бухоро амирлигидаги ички ва ташқи савдо муносабатлари тарихи белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети Бухоро амирлигининг манғитлар давридаги ички бозорлари, ташқи савдо сиёсати, хорижий давлатлар билан ўрнатилган савдо-иқтисодий муносабатлар, савдо йўллари, савдогарларнинг ижтимоий таркиби, солиқ ҳамда бож масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли, қиёсий ва статистик таҳлил каби тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Манғит ҳукмдорлари даврида амирлик бозорларда қафолатланган олди-сотди амалиётларини қайд қилувчи *васиқаи бай-и бот* (узил-кесил олди-сотди ҳужжати) ва *хатти ижара* (ижара ҳужжати) каби савдо битими ҳужжатларининг жорий қилингани натижасида савдогар ва харидорларнинг ҳақ-хуқуқлари ҳимоялангани далилланган;

амирлик бозорларининг савдо айланмасига салбий таъсир кўрсатган табиий офат, савдо йўлларида тарқалган юқумли касалликлар ҳамда уруш сабабли нарх-навонинг ошишига қарши Бухоро, Самарқанд ва Қарши каби йирик шаҳарларда озиқ-овқат маҳсулотларининг улгуржи ва чакана баҳоси белгиланиб, иқтисодий барқарорликнинг таъминлагани аниқланган;

амирликда фаолият юритган Эрназар Мақсуд ўғли, Муҳаммад Шариф ўғли ва Хожи Мирзо Абдурауф каби кўплаб бухоролик савдогарлар нафақат тижорат билан шуғулланганлар, балки давлат элчиси ҳамда таълим, тиббиёт соҳаларидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаган асосий сармоядорлар бўлгани асосланган;

Россия империяси 1868 йилда амирлик хуудларини босиб олгандан сўнг зўравонлик билан имзоланган ҳамда бир ёқлама манфаатлар асосида тузилган савдо шартномалари натижасида амирликнинг Қозоқ жузлари, Эрон, Ҳиндистон ва Афғонистон билан узлуксиз ўсиб келаётган ташқи савдо ишларини чеклаб, инқирозга олиб келгани далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда Бухоро амирлигининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутган бозорлар фаолияти озиқ-овқат, полиз экинлари, чорва моллари, уй-рўзғор, кийим-кечак, заргарлик ва темирчилик буюмлари, жун ҳамда қоракўл териси нарх-наволари, сотувчи ва харидорлар учун яратилган қулайликлар ва аксинча, савдо кўламига салбий таъсир кўрсатган омиллар таҳлили асосида ўрганилган;

1756–1868 йилларда Бухоро амирлиги савдо муносабатларида муҳим аҳамият касб этган савдо йўлларига оид бирламчи ҳужжат ва манбалар илмий истеъмолга киритилган. Жумладан, ички ва ташқи алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилган 20 тадан ортиқ карвон йўлларининг йўналишлари аниқланиб, 12 та харита тузилиб, йўллардаги сардоба, қудук, работ ҳамда карвонсаройлар каби зарурий хизмат кўрсатиш иншоотларининг савдони ривожлантиришдаги аҳамияти ёритиб берилган;

Бухоро амирлигида амир ва сарой амалдорларидан тортиб, уламолар, ҳунарманд ва деҳқонлар ҳам савдо билан шуғуллангани, бозорлардаги тартиб ва нарх-наво назоратини раис олиб боргани, “даллол”, “сарроф”, “қассид”, “мирзо”, “тижоратчи”, “баққол” “қўтармачи”, “олибсотар”, “фузолотфуруш” “вофуруш” каби шахсларнинг савдогар ва харидор ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш, шунингдек, савдо-сотикни амалга оширишда тутган ўрни очиқ берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда тарих фанида тан олинган назарий ёндашув ва усулларнинг қўллангани, Бухоро амирлиги савдо муносабатлари тарихини ёритувчи архив ҳужжатлари, саёҳатчиларнинг хотира ва кундаликлари асосида ўрганилгани ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти унда баён этилган таҳлилий мулоҳазалар, назарий хулоса ва таклифлар XVIII аср ўрталаридан то XIX аср ўрталаригача бўлган даврда Бухоро амирлигида кечган савдо алоқалари тарихига янги методологик ёндашувлар, илмий тадқиқотларда замонавий илмий қарашлар ҳамда ижтимоий муносабатлар бўйича назарий хулосаларни такомиллаштиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихини тадқиқ этишда, уни бойитиб боришга қаратилган мақсадли давлат дастурларининг бажарилишига, шунингдек, бозор муносабатларини янада такомиллаштиришнинг назарий-илмий асосларини

яратиш ҳамда олий таълим муассасаларидаги “Ўзбекистон тарихи” ва “Марказий Осиё ташқи иқтисодий алоқалари тарихи” каби фанлар бўйича янги ўқув дастур ва дарсликлар яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро амирлигида савдо муносабатлари тарихи (1756–1868 йиллар) доирасида олиб борилган изланишлар давомида олинган илмий натижалар асосида:

Тадқиқот давомида Манғит ҳукмдорлари даврида амирлик бозорларида қафолатланган олди-сотди амалиётларини қайд қилувчи *васиқаи бай-и бот* (узил-кесил олди-сотди ҳужжати) ва *хатти ижара* (ижара ҳужжати) каби савдо битими ҳужжатларининг жорий қилиниши натижасида савдогар ва харидорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояланганлигига оид аниқланган архив ҳужжатларидан Бухоро давлат музей-қўриқхонасида кўргазма тайёрлашда фойдаланилган (Туризм ва маданий мерос агентлигининг 2022 йил 29 августидаги 02-01/2692-сон маълумотномаси). Натижада тарихий ҳужжатлар билан бойитилган музей кўргазмаси бу ерга ташриф буюрувчиларга Бухоро амирлигининг иқтисодий сиёсатида оид бирламчи манбалар ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлиш имконини берган;

амирлик бозорларининг савдо айланмасига салбий таъсир кўрсатган табиий офат, савдо йўлларида тарқалган юқумли касалликлар ҳамда уруш сабабли нарх-навонинг ошишига қарши Бухоро, Самарқанд ва Қарши каби йирик шаҳарларда озиқ-овқат маҳсулотларининг улгуржи ва чакана баҳоси белгиланиб, иқтисодий барқарорлик таъминланганига оид диссертация материалларидан Тарих институтида 2019–2020 йилларда бажарилган “Ўзбекистоннинг ўрта асрлар тарихи расмий ҳужжатларда: муаммоли жиҳатлар, талқин ва таҳлил (VII–XIX аср биринчи ярми)” мавзусидаги ПЗ-20170928402-рақамли амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2022 йил 21 июлдаги 3/1255-1669-сон маълумотномаси). Олинган натижалар Ўзбекистон тарихини ёндашувлар, мунозаралар, ишланмалар, хулосалар билан бойитган, шунингдек, Бухоро амирлиги савдо муносабатлари тарихига оид маълумотлар кенгайтирилган ва тарихнинг кам ўрганилган жиҳатларини очиб берган;

Бухоро амирлигида амирликда фаолият юритган Эрназар Максуд ўғли, Муҳаммад Шариф ўғли ва Ҳожи Мирзо Абдурауф каби кўплаб бухоролик савдогарлар нафақат тижорат билан шуғулланганлар, балки давлат элчиси ҳамда таълим, тиббиёт соҳаларидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаган асосий сармоядорлар бўлганига оид маълумотлардан “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Тақдимот” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2022 йил 3 августдаги 02-31-1229-сон маълумотномаси). Кўрсатув жамоатчилик орасида Бухоро амирлиги савдогарларининг ижтимоий таркиби ва кенг қамровли фаолияти тўғрисидаги маълумотларни оммалаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 27 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 13 та мақола, шундан 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблигига асосланиб, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Шунингдек, олинган натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертациянинг тузилиши ва эълон қилинган ишлар бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“1756–1868 йилларда Бухоро амирлигида ички савдо”** деб номланиб, унда манғит хукмдорлари олиб борган сиёсатнинг мамлакат иқтисодиёти асосини ташкил этган савдо ишига таъсири, амирликда фаолият юритган бозорлар турлари, ишлаш тартиби ҳамда маҳсулотларининг нархларига оид маълумотлар тадқиқ этилган.

Муҳаммад Раҳимбий (1715–1758) давридан бошланган бошқарувни марказлаштириш сиёсати ички низоларни бартараф этиш ва ҳудудий дахлсизликни таъминлаш билан бирга, Хива, Қўқон ва Жунғор хонликлари, Дурронийлар сулоласи билан ташқи савдо алоқаларини мустаҳкамлашга замин яратди.

Дониёлбий Худоёрбий ўғли (1730–1785) хукмронлигида Усманийлар империяси ва Россия ҳудудларига юборилган элчи-савдогарлар давлатлараро савдо алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Шунингдек, айнан шу даврда Бухоронинг Фарбий Европа ва Шарқий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий муносабатлари ривожланиб борди¹¹.

Бухоро амирларининг савдони ривожлантириш йўлида олиб борган сиёсатида солиқ тизимини ислоҳ этиш ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Хусусан, Амир Шоҳмурод (1785–1800) аҳолига тархон ёрлиғи бериб, ўзидан аввалги хукмдорлар жорий қилган, шариатга тўғри келмайдиган ёрғу, бож, тушмол, ясоқ каби солиқларни бекор қилди¹². Шунингдек, Шоҳмурод жаҳон

¹¹ Мирза Абдал Азим Сами. Таърих-и салатни-и мангитийа, (История Мангытского государства) / Изд. текста, предисл., пер. и примеч. Л.М.Епифановой. – Москва, 1962. – С. 5.

¹² Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 207.

бозорларида машхур бўлган ипакчилик устахоналари фаолиятини қайта тиклаб, ипак матолари савдосини ривожлантиришга ҳам эътибор қаратди¹³.

Амир Ҳайдар Шохмурод ўғли (1800–1826) даврида савдо-хунармандчилик ривож топиб, Афғонистон ва Россия билан тижорат ишлари мустаҳкамланиб борган.

Амир Насруллоҳон Ҳайдар ўғлининг (1826–1860) қаттиққўллик билан марказлашган давлат қуриш учун олиб борган сиёсати натижасида Бухоро амирлиги давлатлараро савдо алоқаларида етакчиликни қўлга киритди, хонликлар орқали ўтган савдо йўллари назорати амирликка ўтди. Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликларига хориж давлатларидан мол олиб кириш ва сотиш Амир Насруллоҳон рухсат берган савдогарлар орқали амалга оширилди. Натижада амирлик бозорларининг халқаро иқтисодий майдондаги аҳамияти ошиб борди.

Амир Музаффар Насруллоҳон ўғли (18650–1885) даврида Россия империяси билан олиб борган уруш туфайли бозорлардаги нарх-наво кўтарилиб, мағлубият оқибатида савдо ишлари тўлиқ издан чиқди¹⁴.

Умумий тарзда амирликнинг ҳар бир беклик, туман ҳамда йирик шаҳарларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар турига қараб ихтисослашган бозорлар фаолияти йўлга қўйилган эди. Жумладан, йирик карвон йўллари чорраҳасида жойлашган Қарши шаҳрида буғдой, ўтин, қўй, туя, сомон, жун, гилам, кийим-кечак ва дўппи бозорлари фаолият юритган¹⁵. Самарқанд шаҳрида эса узум, бўз ва чит матолар, ипак ва шойи газламалар, пахта, туз, темир ва чўян буюмлар, чой бозорлари билан бирга 15 та фақат жун хомашёси, 50 та гилам ва палослар ҳамда 394 та мавсумий моллар сотилувчи дўконлар фаолият юритган¹⁶.

Бозорларнинг шаҳар ва қишлоқда тартибли ташкил этилишига ҳам эътибор қаратилган. Одатда, шаҳар бозорларининг марказий қисмида заргарлар, саррофлар, темирчилар, турли газлама ва кийим-бош билан савдо қилувчилар жойлашган. Қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари шаҳар ташқариси ёки унга яқин чекка ҳудудлардаги бозорларда сотилган. Масалан, ем-хашак, чорва моллари ва парранда бозорлари атроф-муҳит тозалиги талабларига мос ҳолда кенг ҳудудларда ташкил этилган.

Тадқиқ этилаётган даврда Бухоро амирлигининг деярли ҳамма шаҳарларида “Чорсу” номи билан машхур бозорлар бўлиб, улар чорраҳаларда ташкил этилган. Хусусан, Бухородаги 5 та йирик бозорлар: Чорсуи Калон (катта бозор), Чорсуи Заргарон (заргарлик буюмлари бозори), Чорсуи Саррафон (пул айирбошлаш бозори), Чорсуи Биринж (гуруч бозори) ва Тўқимдўзи (туялар учун тўқим, нўхта сотиладиган) бозорларида савдо

¹³ Шубинский П.П. Очерки Бухары / Исторический вестник. – Санкт-Петербург, 1892. – С. 376.

¹⁴ Записки Мирзы Шемса Бухари О некоторых событиях в Бухаре, Коканде и Кашгаре. / Предисл., пер. и примеч. В.В. Григорьева. – Казань, 1861. – С. 130

¹⁵ Военная рекогносцировка равнинной части Бухарского ханства, произведенная в 1883 года капитаном Г.Ш.Архиповым //Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – Санкт-Петербург, 1884. – С. 204.

¹⁶ ЎзМА, И-5-фонд, 1-рўйхат, 12-йиғмажилд, 124-варак.

эрталабдан то тушгача давом этган¹⁷. Чорсудаги дўконларга савдогарлар хар куни соат 11.00 дан савдо моллари олиб келган ва соат 15.00 да қайта олиб кетган¹⁸.

Амирлик бозорларида тим ва тоқ номли савдо иншоотлари қурилган. У ерда турли хил шойи матолар, рўмоллар, аёллар пойабзаллари ва этиклар савдоси учун барпо этилган Тими адрас ҳамда фақат оқ рангли инглиз ҳамда рус газламалари сотилган – Тими сафед ташкил этилган¹⁹. Бухоро шаҳарларида тимлар билан бирга кенг тарқалган савдо иншоотларидан бири тоқлар бўлиб, улар бозорлардаги йўллар туташган ерларда бунёд этилган эди. Тоқлар тўртбурчак, олти ёки саккиз қиррали шаклда усти гумбаз билан ёпилган ғиштдан қурилган иншоотлар бўлиб, ички деворларига ёпиштирилиб қурилган хужралар дўкон вазифасини бажарган²⁰.

Бозорлар ҳафтанинг турли кунлари, якшанбада – Вобкент, Варганзе, Ҳазора, Фарзикентда, душанбада – Хўжа Ориф, Кумушкент, Пешку, Бўстон, Ёштида; сешанбада – Пирмаст, Азизобод, Қалқонотада; чоршанбада – Ёждувон, Янгибозор, Ромитан, Янгиқўрғонда; пайшанбада – Ёждувон, Сарипул, Галаосиё, Хайрабод, Жондор, Ғаждумак, Вобкент, Шўрчи, Тошработда ва шанбада – Зандони, Хончарбоғ, Баҳовуддинда, Ҳазрати Мир Кулол, Когон, Куюкмозор туманларида фаолият юритган²¹. 1820–1840 йилларда ички бозорларда 1 ботмон пахта 6–8 тилло, калава ип 15–25 тилло, 1 пуд ипак 12–14 тилло, 1 пуд ипак ипи 30–32 тиллодан сотилган. 1862–1867 йилларда эса 1 пуд пахта 16–18 кумуш танга, калава ип 18–20 кумуш танга, ипак хомашёси 7–15 тилло, ипак ип эса 18–20 тиллога баҳоланган²². Нарх-навонинг тушиб кетиши амир Музаффар даврида ички низоларнинг кучайиб бориши оқибатида Бухоро амирлигининг жаҳон савдосидаги нуфузининг пасайиб кетиши ва Россия империясининг ташқи бозор нархларини белгилашдаги ўрнининг ошиб бориши билан изоҳланади.

Бухоро амирлигида турли хунар соҳиблари ҳам фаолият юритиб, улар шаҳарлар савдо-иқтисодий ҳаётининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшган. Амирлик шаҳарларида тўнчилар, рўмолчилар, тақиядўзлар, телпакфурушлар ва пўстиндўзларнинг алоҳида бозорлари бўлган. “Тақиядўзлар тими”²³ да, шойи рўмол ва дўппи кашталари, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида тулки, сувсар ва қўй терилардан тикилган пўстинлар²⁴, Абдуллахон карвонсаройида мўйнали моллар сақланган ва совуқ тушгандан сўнг бозорга олиб чиқилган²⁵.

Ривожланган хунармандчилик соҳаларидан яна бири заргарлик эди. Заргарлар пичок, қилич дасталарини кумуш билан, зеб-зийнат буюмларини эса олтин билан қоплаган ҳамда от эгар-жабдуқларига рангли тошлардан

¹⁷ Ефремов Ф. Российского унтер-офицера. Десятилетнее странствование / Под ред. Э.Мурзоева. – Москва: Географиз, 1952. – С. 120.

¹⁸ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – Москва: Наука, 1975. – С. 101.

¹⁹ История Узбекистана (XVI – первая половина XIX вв.). – Ташкент, 2012. – С. 248.

²⁰ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – С. 102.

²¹ Ўша жойда. – Б. 6.

²² Хаников В.Н. Описание Бухарского ханства. – Санкт-Петербург, 1843. – С. 145.

²³ Иванов П.П. Хозяйство джуйбарских шайхов. Изд-во АН СССР. – М. - Л., 1954. Док. № 14. – С. 101.

²⁴ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – С. 117.

²⁵ Демезон П.И., Виткевич И.В. Записки о Бухарском ханстве. – Москва, 1983. – С. 101.

безак берган²⁶. Бухоро шаҳрида заргарлик кенг ривожланган бўлиб, Тоқи Заргаронда уста-заргарларнинг 40 та дўконлари жойлашган²⁷. Шу ўринда қайд этиш жоизки, ўрганилаётган даврда Хивада 12 та²⁸, Тошкентда 70 та²⁹, Самарқандда эса 23 та³⁰ заргарлик дўконлари фаолият юритган.

Бухоро амирлигида савдо-сотикдан йиғиб олинadиган закот солиғи шариат қонунлари асосида мол-мулкдан 1/40 ҳажмида олинган. Ушбу солиқ тури фақат мусулмон савдогарларига тегишли бўлиб, рус савдогарлари 20%, ҳинд савдогарлари эса 10% миқдорида даромад солиғини тўлаган³¹.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро амирлигидаги бозорлар тизимга солинган тарзда халққа хизмат кўрсатгани, жумладан, ҳудудий жойлашуви, маҳсулотлар турига кўра ихтисослашгани, йирик шаҳарлардаги бозорлар харидорлар учун қулай тарзда умумий савдо айланмасига таъсир этмаган ҳолда алоҳида кунларда ташкил этилгани, маҳсулотларнинг улгуржи ва чакана нархлари белгилангани аниқланди. Амирлик деҳқон бозорларидаги нархлар мўътадиллигига ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан бирга, ҳосилнинг унумдорлиги ҳам таъсир кўрсатган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Савдогарлар, йўллар ва карвонсаройлар”** деб номланиб, унда савдо муносабатларида иштирок этган шахслар ва бухоролик тужжорларнинг фаолияти, савдо йўллари, карвонсаройларни ташкил этиш масалалари ёритиб берилган.

Қадимдан Бухоро ҳудуди Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини Хитой ва Ҳиндистон билан боғловчи, “Буюк ипак йўли” устида жойлашганлиги, аҳолининг аксарияти савдогар бўлиб, улар турли халқлар билан фаол тижорат ишларини олиб боргани боис “Мадинат ут-тужжор”, яъни “Савдогарлар шаҳри” деган сифатлари билан ҳам шуҳрат топган³². Демак, бухоролик савдогарларнинг мавқеи нафақат мамлакат ичида, балки унинг ташқарисида ҳам иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан баланд бўлган.

Бухоро амирлигида савдо билан аҳолининг турли қатлами шуғулланган. Манбаларда келтирилишича, бозорлардаги савдогарларнинг сони мавсумий жиҳатдан ўзгариб турган. Баҳорда мавсумий деҳқончилик ишларининг бошланиши ички бозордаги савдонинг ёз ва куз фаслларига нисбатан сусайишига ҳам таъсир кўрсатган. Масалан, қишда Бухоро, Самарқанд, Қарши, Каттакўрғон, Карманадаги йирик шаҳар бозорларида 250 нафар савдогарлар фаолият олиб борган бўлса, пишиқчилик фасллари ёз ва кузда сотувчиларнинг сони деҳқонлар ҳисобига 350–400 нафаргача етган.

Бухорода савдо-сотик билан шуғулланувчилар ўз фаолияти кўламига кўра шартли равишда учта тоифа, яъни ташқи савдо, шаҳарлараро савдо ва ички бозор савдогарларига ажратилган. Ташқи савдо кўпроқ йирик

²⁶ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – С. 116–117.

²⁷ Сухарева О.А. Посднефеодальный горд Бухара (конца XIX – начала XX века). – Ташкент: Изд.АН УзССР, 1962. – С. 54.

²⁸ Иванов П. П. Архив хивинских ханов XIX веков. – Ленинград. Гос. публ. биб-ка, 1940. – С. 137.

²⁹ Гейер И., Назаров Н. Кустарные промыслы в Ташкенте. – Ташкент, 1903. – С. 9.

³⁰ Костенко Л.Ф. Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 г. – Санкт-Петербург, 1871. – С. 26.

³¹ Бёрнс А. Путешествие в Бухару. – Москва, 1848. Ч. II. – С. 574.

³² Мухаммажонов А. Қадимги Бухоро (археологик лавҳалар ва тарих). – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 49.

савдогарлар қўлида бўлган. Улар мамлакатга катта даромад келтирувчи савдо-хунармандчилик иншоотлари, савдо расталари ва карвонсаройларга эгалик қилган. Хусусан, амир хонадонига тегишли бўлган савдогарлар Бухоро шаҳрида жойлашган “Янги амир” саройида қоракўл терилари, “Эски амир” саройида эса пахта хомашёси савдосини амалга оширган. “Қўшбеги саройи”да эса эронлик савдогарлар учун меҳмонхона, девонбегининг “Ражаббек саройи”да бўлса тужжорларнинг моллари сақланадиган катта омборхона хизмат кўрсатган³³.

Амирлик савдогарлари таркибида турли шаҳарларда ўз дўконига эга мустақил савдо қиладиган дўкандорлар, бой сармоядорларнинг дўконини ижарага олиб фаолият юритадиган дўконнишинлар, кундалик эҳтиёжни қондиришга қаратилган молларни сотувчилар – баққоллар, нарсаларни қўлда кўтариб юриб сотувчилар – кўтармачилар ҳам бўлган³⁴.

Мамлакатдаги йирик савдо айланмаси амир хонадони вакиллари ва сарой амалдорлари қўлида бўлган. Хусусан, Амир Насруллохон ҳукмронлиги даврида қоракўл савдоси фақат амирнинг янги мадрасасига тегишли Саройи Барра ҳовлисида амалга оширилган³⁵. Бухоро амирлиги иқтисодий ҳаётида уламолар ҳам муҳим роль ўйнаган. Масалан, XVI–XVIII асрларга оид Бухоро манбаларида Бухоро хонлигида йирик мавқега эга бўлган Жўйбор шайхларидан бири Хўжа Ислон 1544–1563 йилларда майда мулк эгаларидан жами 104 та дўкон ва хунармандчилик устахоналарини сотиб олгани қайд этиб ўтилган.

Раис бозорлардаги савдо-сотик жараёнида маълум тартиб-интизомга риоя қилинишини кузатиб борар экан, савдо аҳли харидорларнинг ҳаққига хиёнат қилмасликлари, яъни газламаларни кам ўлчамасликлари ва тарозидан уриб қолмасликларини, маст қилувчи турли ичимликлар, тамаки ва бошқа зарарли нарсалар сотиш ва истъеъмол қилинмаслигини қаттиқ назоратга олган. Агарда раислар бозорларни айланиши вақтида бундай ҳолатларга дуч келса, айбдор жойида жазога тортилган³⁶.

Халқаро савдо алоқаларида иштироқ этган савдогарлар мадраса таълимига эга бўлиб, шариатга асосланган савдо илмини ҳам яхши эгаллаган. Айрим ҳолларда давлатлараро дипломатик муносабатларни мустаҳкамлашда савдогарлар элчилик вазифаларини ҳам амалга оширган. Жумладан, XVIII асрнинг иккинчи ярмида амирликда Дониёлбий ва Шоҳмурод даврида ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш мақсадида қўшни хонликлар ва Россия империяси билан ўзаро элчилик муносабатлари янада кенгайтирилган. Масалан, 1774 йил 2 сентябрда бухоролик бой савдогар ва элчи Мулло

³³ Хаников Н.В. Описание Бухарского ханства. – С. 105.

³⁴ Турсунов Н.О. Развитие городских и сельских поселений северного Таджикистана. в XVIII нач. XX вв. (историко этнографические очерки) – Душанбе, 1991. – С. 126.

³⁵ ЎзМА, И-126-фонд, 1-рўйхат, 1158-йиғмажилд, 4-варақ.

³⁶ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга. – С. 143.

Эрназар Мақсудов 52 нафар ҳамроҳлари билан Россия империясига юборилган³⁷.

Савдо-сотикнинг учинчи тури ҳукмдорларнинг бир-бирларига совғалар юбориб туриш шаклида амалга оширилган. Хусусан, 1796 йилда Бухородан Россия ҳукмдори Екатерина II га совға сифатида бой савдогар Ражаб Бойкишиев томонидан 28 пудлик қимматли тошлар, шу жумладан, 22400 рубллик лаъл ва 4600 рубллик соф марваридлар олиб борилган. Императрица ҳам, ўз навбатида, элчига кумуш сервис, бриллиант кўзли узук, 5 газ атлас, 5 газ мовут ва 1500 рублдан, элчи ҳамроҳларидан бўлган беш юзбошиларга 250 рублдан, юзбошиларга 150 рублдан, элликбошиларга эса 100 рублдан пул ҳадя қилган³⁸.

Миллий таркибига кўра, Бухоро савдогарлари орасида ўзбеклар, тожиклар, яҳудийлар, ҳиндлар, афғонлар, эронликлар, руслар ва татарлар кўпчиликни ташкил этиб, улар ўз касб-хунари билан ички ҳамда ташқи савдо алоқаларида фаол иштирок этганлар. Масалан, Бухоро шаҳрида афғон, ҳинд ва татар миллатига мансуб хорижий савдогарларнинг Мирзачўл, Нўғой, Филхона, Ҳинд ҳамда Бадриддин³⁹ каби йирик карвонсаройлари ҳам бўлиб, улар ички ва ташқи савдони ривожлантириш ҳамда савдогарларнинг шахсий маблағларини кўпайтиришга хизмат қилган.

Бухоро амирлиги савдо учун қулай географик ҳудуд ва кесишган чорраҳа йўлларда жойлашгани туфайли шимолга маҳсулотларини юборган жанубий чегарадаги давлатлар учун ишончли омборхона вазифасини ҳам ўтаган. Амирлик ҳудуди бир томондан Эрон ва Афғонистон, иккинчи томондан Хива хонлиги, учинчи томондан Қозоқ жузлари ва тўртинчи томондан Қўқон хонлиги ҳудудлари билан чегарадош бўлган. Бунда катта қисми қуруқлик ва айримлари сув кечувлари орқали ўтган савдо йўллари алоҳида аҳамият касб этган.

Савдо карвонлари Самарқанддан Қаршига икки йўналиш: биринчиси, Ажирим–Шўрбозор–Айритом–Қўнғиртоғнинг ғарбий қисмидаги қишлоқлар орқали⁴⁰, иккинчиси эса Жом-Шўркудук-Қоратикон қудуғи Қўнғиртоғнинг жанубий-шарқий ёнбағирлари бўйлаб ўтган⁴¹.

Амирликнинг бошқа бир савдо йўли – Бухоро–Қоракўл тармоғи ҳам мавжуд бўлиб, у Зарафшоннинг иккинчи оқими бўйлаб Чандир қишлоғидан ўтиб, Қоракўлдан 40 верст узоқликдаги қумликлар, тўқайзорлар, Битик ва Фароб қишлоқлари орқали яна 5334 километр масофада йўл давом этиб,

³⁷ Зиёев Х. Ўзбекистоннинг Каспий ва Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатлари тарихи.(XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX аср). I-жилд. – Тошкент: Таълим нашриёти, 2014.– Б. 33.

³⁸ Зиёев Х. Ўзбекистоннинг Каспий ва Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатлари тарихи. – Б. 138.

³⁹ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – С. 100.

⁴⁰ Еврейнов Рекогносцировка пути через Джамский перевал на Гузар и на Карши 1887 г. / Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – Санкт-Петербург, 1888. – С. 115-118.

⁴¹ Хаников Н. Описание Бухарского ханства. – С. 106–108.

Амударёга чиқилган ҳамда Чоржўй кечувидан қайиқларга ўтилган⁴². Амирликдаги карвон йўлларининг яна бири Кармана–Қарши–Келиф йўналиши бўлиб, ушбу тармоқ Афғонистон ва Ҳиндистоннинг асосий савдо шаҳарларига олиб борадиган транзит йўлнинг муҳим қисми ҳисобланган.

Бухоро–Хива ўзаро савдо алоқаларида Бухородан Чоржўй орқали Марв ва Амударёнинг чап қирғоғи бўйлаб Хоразм шаҳри ҳамда Хива хонлигидан Хонқа–Ҳазорасп–Кўкертли–Қизилқум орқали Бухорога борадиган карвон йўллари ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлган⁴³. Бухоро–Кўқон савдо алоқаларида Фарғона водийсидан Тошкент ва Хўжанд орқали Самарқандга ўтадиган карвон йўлларидан ҳам фойдаланилган. Умуман олганда, Бухоро амирлигидан Кўқон шаҳрига қуйидаги 2 та йирик карвон йўллари борган:

1. *Бухоро – Самарқанд – Жиззах – Зомин – Ўратена – Хўжанд – Маҳрам – Бешариқ – Кўқон.*

2. *Бухоро – Самарқанд – Янгиқўрғон – Жиззах – Равот – Жом – Ўратена – Хўжанд – Маҳрам – Бешариқ – Кўқон.*

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигида ўртача 1000 та аравалар ва 5000 та туялар юк ташиш учун йўловчилар ҳамда савдогарлар хизматида бўлган. Савдо карвонидаги ҳар бир арава 25 пуд, туя 16 пуд, от 6 пуд ва эшак 4 пуд юкларни кўтара олган. Тоғли худудларда, асосан, от ва эшакларда юк ташилган⁴⁴.

Амирликдаги барча карвонсаройлар бир хил лойиҳа асосида қурилган икки қаватли тўртбурчак шаклдаги иншоотлар бўлиб, биринчи қавати турли савдо моллари солинадиган ичи чуқур жавонлар билан жиҳозланган ва ташқарига чиқадиغان эшиклари бўлган. Иккинчи қаватида хорижий давлатлар ёки амирликнинг узоқ шаҳарларидан келган савдогарлар вақтинчалик яшайдиган хоналар жойлашган. XIX аср бошларида Бухоро шаҳрида шахсан ҳукмдорнинг Эски ва Янги Амир саройлари, афғонларнинг Абдуллажон, Мирзачўл ва Бадриддин, эронликларнинг Кўшбеги, ҳиндларнинг Ҳинд ҳамда Жўйбор хўжалари, татарларнинг Нўғай ва Аёз, русларнинг Филхона ҳамда Кулота, урганчликлар учун Урганжий карвонсаройлари фаолият юритган⁴⁵.

1842 йилда Бухорода 25 та, Қаршида 3 та карвонсаройлар мавжуд бўлса⁴⁶, 1860 йилда эса уларнинг сони Бухорода 38 тага, Самарқандда 35 тага, Қаршида 10 тага, Шаҳрисабзда 7 тага ва Китобда 3 тага⁴⁷ етган.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш мумкинки, Бухоро амирлигида савдо ишлари билан амир ва сарой аъёнларидан тортиб, уламолар, ўртача сармоёга эга бўлган ҳунармандлар ҳамда деҳқонлар ҳам шуғулланган. Шуни ҳам қайд этиш керакки, ташқи савдо орқали дунё кўрган бухоролик савдогарлар кенг

⁴² Петров В.А. Путевые заметки классного топографа тит. сов. Петрова 1884 г. / Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – Вып. XXI. – Санкт-Петербург, 1886. – С. 60-63.

⁴³ Петров В.А. Путевые заметки классного топографа. – С. 59.

⁴⁴ Зияев Х. Узбеки Сибири. – Ташкент: Фан, 1968. – С. 77.

⁴⁵ Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи с историей кварталов). – Москва: Наука, 1976. – С. 93.

⁴⁶ Хаников Н.А. Описание Бухарского ханства. – С. 108-109.

⁴⁷ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – Москва, 1867 – С. 113-114.

дунёқарашли, маърифатга интилувчан, ўқимишли кишилар бўлган. Аксарият бухоролик тараккийпарварларнинг оталари савдогар бўлгани ҳам буни тасдиқлайди. Ўз навбатида, Бухоро худудидан ўтган карвон йўллари мамлакатнинг ички ва ташқи бозордаги мавқеининг ошишига ҳамда халқаро иқтисодий алоқалардаги транзит худуд сифатида геосиёсий аҳамиятининг кучайишига хизмат қилган.

Учинчи боб **“Бухоро амирлигининг ташқи савдоси”** деб номланиб, унда Бухоро амирлигининг Хива, Қўқон хонликлари, Қозоқ жузлари, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва Россия империяси билан халқаро тижорат ишлари баён этилган.

Бухоро – Хива савдо муносабатлари ривожига икки давлат ўртасидаги сиёсий келишмовчиликлар ва ўзаро урушлар салбий таъсир кўрсатган бўлса-да, уни бутунлай тўхтатиб қўймаган. Бухоро амирлиги билан тижорат алоқаларини юритган хивалик савдогарлар “бухорчи” деб номланиб⁴⁸, улар амирлик бозорларида нафақат ўз молларини сотган, балки бу ерда бошқа хорижлик савдогарлар билан ҳам халқаро алоқаларни ўрнатган. Савдо ишларида хоразмликлар фаолроқ бўлган. XIX аср 30 йилларида амирликда хивалик савдогарлар томонидан очилган “Урганжи” номи остида учта карвонсаройлар фаолият юритган. Улар бухороликларга тўн, зиғир, думба ёғи, буғдой, гуруч, олма, жийда, қишда эса балиқ келтириб сотганлар⁴⁹. Шунингдек, хивалик савдогарлар бу ерга кўплаб миқдорда от, ҳўкиз ва туя терилари, Бухоронинг юпқа газламаларидан кескин фарқ қилувчи қозоқ ҳамда хитойликлар кўп сотиб олган қалин ва чидамли ярими ипак йўл-йўл олача матолари билан савдо қилган⁵⁰. Бухоролик тужжорлар Хива бозорларига қурол-аслаҳа ва ўқ-доридан тортиб, дехқончиликда фойдаланувчи турли хил иш қуроллари, икки ғилдиракли аравалар, эгарлар, от-анжомлари, ўтин, кўмир, туз ҳамда бошқа молларни олиб бориб, у ерда чакана савдони амалга оширганлар⁵¹.

Ҳар йили Бухородан Хивага 3000 минг туялик савдо карвонида, тахминан, 576000 тангалик савдо моллари олиб борилиб, 1000 туяда Қарши тамакиси 20000 пудлик (ҳар пуди 9 кумуш танга), 1000 туяда Шаҳрисабз тамакиси 20000 пудлик (ҳар бир пуди 5 кумуш танга) келтириб сотилган⁵².

Амирлик ташқи савдо-иқтисодий алоқаларининг ривожланишида Қўқон хонлиги ҳам муҳим ўрин тутган. Айниқса, Бухоро амири Шохмурод (1785–1800) ва Қўқон хони Норбўтабий (1763–1798) ҳукмронлиги даврида ҳар иккала давлатнинг худудлари кенгайиб, уларнинг жаҳон бозоридаги мавқеи юксала бошлаган. Бухоролик тўқувчилар орасида қўқонлик

⁴⁸ Бетгер Е.К. Самарский купец Данила Рукавкин и его караван в Хиву в 1753 г. / Известия АН Туркменской ССР. – № 6. Отдельный оттиск. – Фрунзе, 1952. – С. 9.

⁴⁹ Петровский Н. Моя поездка в Бухару. Путевые наблюдения и заметки. Часть 2. – Ташкент, 1872. – С. 236.

⁵⁰ Демезон П.И. Записки о Бухарском ханстве. – С. 81.

⁵¹ Иванин М. Хива и река Аму-Дарья / Туркестанский сборник. Т. 50. – С. 56.

⁵² Садыков А.С. Экономические связи Хивы с Россией во второй половине XIX начале XX вв. – Ташкент, 1965. – С.91. Изох: 1 пуд – 16.38 кг.га оғирлик ўлчов бирлиги.

савдогарлар келтирган ахси ипагининг доврўғи машҳур бўлиб, Бухоро шаҳри гузарларидан бири “Ахси шойи гузари”⁵³ деб номланган.

